



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 78 (9314).

1988 йил 19 апрель • сешанба •

Баҳоси 3 тийин.

Коммунистлар! Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

КПСС XXVII съезди йўлини сабот билан амалга

оширингиз! Бутуниттифоқ XIX партия

конференциясини Ватан бахт-саодати йўлидаги

меҳнат муваффақиятлари билан нишонлайлик!

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил 1 Май ЧАҚИРИҶЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май!
2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
3. Маркс-Энгельс-Лениннинг буюк революцион таълимоти абадий яшаб, ривожланаверсин!
4. Ленинчи-большевиклар, партия, уруш ва меҳнат ветеранларига, социализм тантанаси, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун барча курашчиларга умумхалқ меҳр-муҳаббати ва абадий шон-шарафлар бўлсин!
5. Уртоқлар! Бутун кунни жамиятни қайта қуришга, демократиялашга ва туб иқтисодий ислохотга сарфлайлик!
6. Коммунистлар! Партия ташкилотларининг жанговарлигини қатъият билан оширингиз! Шахсий намуна, халқ бахт-саодати йўлидаги астойдил ишингиз билан партиянинг обрў-этиборини оширингиз!
7. Қайта қуришнинг революцион принципларини қарор топтириш учун курашингиз!
8. Коммунистлар! Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съезди йўлини сабот билан амалга оширингиз! Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлайлик!
9. Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари! Социалистик Ватанимизнинг иқтисодий қудратини кучайтирингиз! «Хар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша!» деган принципни ҳамма жойда қарор топтирингиз!
10. СССР граждандари! Кўп миллатли буюк Ва-

11. Яшасин ҳар бир халқнинг миллий ифтихори ва қадриятини социалистик жамият интернационализи билан бирлаштирувчи совет ватанпарварлиги!
12. Ишчилар ва колхозчилар! Хўжалик юртишнинг янги методларини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини дадил ўзлаштирингиз! Илғорлар тажрибасини, иқтисодий билимларни эгаллангиз!
13. Совет Иттифоқи граждандари! Ўзаро талабчанлик ва шахсий масъулиятни кучайтирингиз, танқид ва ўз-ўзини танқидни, демократия ва ошкораликни авж олдиригингиз!
14. Меҳнаткашлар! Ижтимоий ўз-ўзини бошқаришни қатъиян қарор топтирингиз, бюрократизм ва консерватизмга, истеъмолчилик ва тайёргайёрликка қарши курашингиз!
15. Агротехнология комплекси ходимлари! Озиқ-овқат программасини бажариш учун зўр ғайрат билан курашингиз! Изчил кооперация ва хўжалик ҳисоби асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширингиз!
16. Уртоқлар! Ижодкор, изланувчан, ташаббускор, социализм мақсадларига эришиш йўлида қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлангиз!
17. Совет олимлари, конструкторлари, ихтиро-

18. Экономика, фан ва техниканинг жадал ривожлантирилиши, Ватан ишлаб чиқаришини юксак жаҳон даражасига чиқаришни таъминловчи фан-техника муаммоларининг новаторларча ҳал этилишига эришингиз!
19. Совет касба союзулари! Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилингиз! Социал-иқтисодий тараққиётнинг жадаллаштирилишига, хўжалик қарорларининг социал йўналиши кучайтирилишига эришингиз!
20. Комсомоллар! Йигит ва қизлар! Улуғ Лениннинг меросини эгаллангиз! Виждонан ва юксак самарали ишлашни ўрганингиз! Фаол сиёсий турмушга зўр ғайрат билан қўшилингиз!
21. Урта ва олий мактаб ходимлари! Таълимни ижодий қайта қурилингиз! Еш авлодни маълумотли, маданиятли, социализм идеалларига садоқатли қилиб тарбиялангиз! Йигит ва қизларда ташаббусни, билимлар ва изланишга чанқоқликни кучайтирингиз!
22. Маданият, адабиёт ва санъат арбоблари! Социализмнинг маънавий потенциални бойитингиз, жамият турмушининг барча томонларини янгилашда фаол қатнашингиз!
23. Совет жангчилари! Жанговар шайлиқни тинимсиз оширингиз, маҳоратни такомиллаштирингиз, ҳарбий интизомни мустаҳкамлангиз! Социализм ғалабаларини, совет халқининг тинч, бунёдкорлик меҳнатини пухта ва ҳушёрлик билан қўрқлангиз!

24. СССР граждандари! Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилингиз! Табиий ресурслардан оқилона фойдаланингиз!
25. Коммунистлар! Ишчи партияларига Биринчи Май салом!
26. Социалистик мамлакатларнинг халқлари! Социализм ва тинчлик манфаатлари йўлида мамлакатларимизнинг қардошларча ҳамкорлиги чуқурлашиб, мустаҳкамланаверсин!
27. Жаҳон халқлари! Халқаро вазиятни соғломлаштириш, ядровий, химиявий ва оддий қурол-ярроғларни тубдан чеклаш ва қамайтиришнинг реал жараёни учун курашни кучайтирайлик! Космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймайлик!
28. Инсоният ҳаётидан уруш йўқолсин!
29. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат социал ва сиёсий йўлни танаб олиши эркинлиги учун курашни кучайтирайлик!
30. Европа халқлари! Хельсинки ахдномаларининг қоидаларини фаоллик билан амалга оширайлик, мамлакатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайлик!
31. Импералистик эксплуатациячи, жабр-зулмга, янги мустамлакачиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашчиларга оташин салом!
32. Яшасин СССРнинг новаторларча ташқи сиёсати—ядросиз ва зўравонликсиз дунёни барпо этиш, фаол халқаро ҳамкорлик қилиш сиёсати!

ШАНБАЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Ўзбекистон меҳнаткашлари 16 апрель тоғ отарида, дов-дараклар баҳор либосига бурканган субҳида, оркестрнинг байрамона садолари остида шаҳар ва қишлоқ кўчаларига чиқдилар. Аниёнага кўра, «Қизил шанбалик» кунини тошкентликларни Октябрь революцияси номли тепловоз вагон репетицияси кўчага олиб чиқди.

Бир йиллик шанбалик ўзгача. Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачёвнинг республикага ташрифи таассуроти билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, шартномавий мажбуриятларни бажариш, иқтисодий потенциалдан тўлароқ фойдаланиш — Бош секретарининг республика раҳбар ходимлари билан учрашув чоғида сўзлаган нуктада ана шу вазифалар биринчи галдаги вазифалар сифатида тилга олинди. Ўзбекистонликлар қайта қуриш ўзларининг жоманон ишлари эканлигини амалда исботладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 16 апрель тоғ отарида, дов-дараклар баҳор либосига бурканган субҳида, оркестрнинг байрамона садолари остида шаҳар ва қишлоқ кўчаларига чиқдилар. Аниёнага кўра, «Қизил шанбалик» кунини тошкентликларни Октябрь революцияси номли тепловоз вагон репетицияси кўчага олиб чиқди.

ТОШКЕНТ. Экскаватор заводининг ишчилари меҳнат байрами кунини юксак унум билан ишлайдиган икки 30-3211Е маркали экскаватор тайёрладилар. Шулардан бири Будапештга, халқаро машинасозлик кўргазмасига жўнатилди.

Бир йил мингдан кўпроқ машинасозлар 16 апрель кунини иш жойларида меҳнат қилдилар. Нега ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, Д. Поляков ва Х. Қосимов бошчилигидаги бри-

Беш йиллик фондига

гадалар рекорд унумдорликка эришдилар. Улар бир йил кунлик топшириқни адо этдилар.

Утла хўжалик ҳисобига

Утган экскаватор заводи коллективи мураккаб гидравлика системаси билан жиҳозланган сифат жиҳатидан янги ер қазниш машинасини конвейерда ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда.

Бундай машинани кўплаб ишлаб чиқаришга қорхонадаги раҳбар катта умид боғламоқдалар. Аввало, янги машина нет эларда харидор-гир бўлади, деб ҳисобламоқдалар. Демак, мунтазам тушиб турадиган валюта маблағларидан ишлаб чиқаришнинг модернизация қилишда фойдаланилади.

Областимизда бўлиб ўтган шанбалик ҳақидаги материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқисиз.

[ЎЗАТ].



БЕКОБОД районидagi Навоий номи колхоз меҳнаткашлари Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини уюшқонлик билан ўтказдилар.

Барча бригада ва участкалар-да дала ишлари қизгин давом эттирилди. Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида хўжалик деҳқонлари пахтадан

мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга аҳд қилинган. СУРАТ-ДА: колхоз раис, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати М. Сайдуллаев.

А. Мальцев фотоси.

«Тошкент ҳақиқати» агросаноат бўлимига Ер боққанни боқади

Бўқа районидagi Ҳамза номи колхозининг Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Саодат Гулаҳмедова бошчилик бригадаси деҳқонлари ҳар йили, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта тайёрлаш бўйича план ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Бригадада ҳосилдорлик 40 центнердан қамбалайди. Бунга қандай қилиб эришилмоқда? Штатсиз муҳбиримиз К. Р. Хасановнинг бу саволига С. Гулаҳмедова шундай жавоб берди:

— Ҳар йили турли анжуманларда қатнашиб, ҳамкасбларим билан учрашиб тураман. Айрим пахтакорлар йиллик планлар бажаришга қўлсиз, сабабини кўпинча об-ҳавонинг нокулай келганидан қиқирадилар. Менимча булар ўринсиз бахонадан бошқа нарса эмас. Лекин табиат қийинчиликлари билан боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам талайгина. Республикамизда етиш-пинчи, саксонинчи йилларга келиб қандай бўлмасин пахта ҳосилини кўпайтиришга зўр берилди. Мақсадга эришиш учун ҳамма йўл ҳам тўғри, деб топилверди. Булар ҳозирги кунга келиб ўзининг «самарасини» кўрсатиб турибди. Уртача ҳосилдорлик анча пасайиб қолди. Шунинг учун ҳам зарар устига зарар қўрайдиган хўжаликлар кўпайди. Бунинг бир неча сабаблари бор.

Сўнгги пайтда қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликда минерал ўғитлар ва турли химиявий дориларни палатпартиш ишлатишга йўл қўйилди. Айрим кишилар ерга

Очирини айтганда анча вақтдан бери пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тала сифатини яхшилашда ал-машлаб экиннинг афзаллиги ҳақида кўп гапирилган-ю, лекин кам иш қилинган. Шу тўғрисида йил бўйи қилинган меҳнатлар яхши самара бермаётти. Деҳқон меҳнатига яраша даромад ололмапти. Бу кўнглини ишдан совутмоқда. Тўғри, эндилик-

80 центнердан дон олмоқчимиз. Биз доим ўзани машина-боп қилиб ўстиришга эътибор берамиз. Бунинг учун ерлар аввало нафдек қилиб текисланади. Текис ерлар уруғ ташлаш ҳам, агротехник тадбирларни адо этиш ҳам осон кечади. Айниқса, пайкалларда бегона ўтларнинг бўлмаслиги, ўза баргининг батамом тўқилишига ҳаракат қиламиз. Ҳар йили етиштирилган ҳосилнинг 85—90 проценти машинада саранжомлаб олинапти.

Кейинги йилларда колхозчилар ишлаб топган ҳар бир сўмларига қўшимча йил якунида қамбала икки сўмдан ҳақ олишарди. Масалан, механик-ҳайдовчи Эрмухаммад Ашматов, Тугал Ҳасанов, сувчилардан Худойкул Имомов, Шавкат Мусаевлар йиллик маошдан ташқари 4—5 минг сўмдан мунофот олишди. Бригадамизнинг ҳамма аъзолари замонавий уйларда истиқомат қилишди. Биз уйма-уй юриб ишга чиқиб, ҳар кунини йилгиб вазифа белгилаб, иш ҳажми ва сифатини текшириб боришга барҳам берганимиз. Чунки, коллективимизда пудрат усули жорий этилган.

Мақсадимиз Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси бўладиган йилда ҳар гектар ошдириш. Марраини эгаллаш учун барча имкониятларни ишга соламиз ва сўзимизнинг устидан, албатта, чиқамиз.

майман, кам бўлганим йўқ. Ҳадемай пенсияга чиқшим, тўғрисида муқаррирликни ёшларга бўшатиб беришим керак. Ишламай туролмаслигини билб, ҳозирданок ўзимбоп соҳага ўта қолсам дейман...

— Янгилик-ку. Мустақим ака, қани эшитилганини, — деди раис қизиб.

— Ҳозир бироз куч-қувват борида меваги боғ яратсам, пенсияга чиққач, унинг парварши билан овуниб юрсам, дегандим.

— Колхоз правлениеси сиз учун йўқ демайди. Ахир энг оғир участкада қирқ йил ишлаб бердингиз. Илтимосиягиниз уч-тўрт кунда ҳал этамиз...

Ҳақиқатан ҳам тез орада

Тўғоновларнинг Оилавий боғи

АСЛИДА Мустақим ака учун ортиқча уринишнинг ҳоҳати йўқ эди. Колхоз гавитига ўттиз йил муқаррирлик қилди. Демак, вазифасини эгаллаб, акс ҳолда бутун бошли бир хўжаликнинг ҳамма техникаси шунча вақт унга ишониб топшириб қўйилмасди. Қолаверса, энди қўлидан ишни оладиган ўғиллари бор. Мана, катта ўғли Со бир колхознинг тажрибали шофёри. Учунчи ўғли Ҳо бир қашу ерда, гаражда ишлайди. Машина двигателла-

рини тузатиш бўйича энг яхши усталардан бири. Аммо Мустақим аканинг кўнгли бошқа нарсани истаб қолди. У ҳаётида, мана, деб кўрсатса арзийдиган из қолдирмоқчи. Қўпдан бери кўнглига туғиб юрган бунятини очиб учун колхоз идорасига борди. Правление раиси Ҳодимат ака Қуронбоевнинг илиқ қарши олганини кўриб, дадиллашди-да, мақсадга қўла қолди.

— Колхоз техникасига ўрлашиб қирқ йил ишладим, — деди у. — Аммо ноли-

А. КОМИЛОВ.

Оржоникиде районидagi «Коммунист» колхоз.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Шухрат таваллудининг 70 йиллиги

Ўзбекистоннинг ҳар бир асари нисбатан ҳаётнинг маъносини ҳаққонан айтиш билан юракдан қилинган мулоқотдир. Табиқийки, ўқувчининг ўзига жалб қила олуши учун асар қизиқарли ва ибратли бўлиши зарур. Бунга эса ёзувчи истеъдод, меҳнат ва тинимсиз изланиш орқали эришади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Шухрат (Ғулом Алӣмов)нинг ижодий йўли ҳақда ўйласак, ана шу фикрлар ҳаёлимизга келади. Назаримизда, тинимсиз изланиш адиби-ни ижодий баркамоллик сари етаклаган асосий омил бўлиб туюлади.

Шухрат адабиёт даргоҳи-га Асқад Мухтор, Ғамид Ғулом, Рамз Бобоқон, Саид Аҳмад, Шукрулло, Туроб Тула, Мирмуҳсин каби тенгқурларни қатори ўтти-зичи йилларнинг охирида кириб келди. У дастлаб шоир сифатида танилди. Илк машағри «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» жур-налида босилди. Шундан кейин шеърлари республи-на матбуотида кетма-кет қу-рина бошлади. Албатта, ҳали бу шеърлар кўп жи-ҳатдан гўр эди. Мураккаб инсоний туйғулар қўнича-содда ифодаланиб, поэтик тасвир ўрнини қуруқ баён-чилик эгаллаганди.

У алга манзур бўладиган беш-ўнта шеър ёзиб улгур-масданов уруш бошланиб, фронтга жўнади. Бироқ, у оловли жангҳоқларда ҳам қаламни қўлдан қўймади. Фронтдан ярадор бўлиб қайтган шоир ижодини да-вом эттирди. Кўп ўтмай «Оруу ва қасос» поэмасини яратди. Бу асарда шоир чи-накам интернационализм, ватанпарварлик ва ҳаётга муҳаббат мотивларини та-раннум этди. Шундан сўнг унинг «Мангулик», «Қар-дошлар», «Ишқингда ёниб», «Сизнинг шаънингизга», «Ҳаёт нафаси», «Визнинг куча», «Сенинг севгинг», «Валогат», «Ленин ҳақида балладалар», «Балладалар», «Вуюк муҳаббат» каби тулғамлари юзага келди.

Шухрат яратган юзлаб шеърларда қўрқоқлик, ҳис-сизлик, лоқайдлик фаш эти-лиши билан бирга дўстлик, садоқат, вафо, муҳаббат, Ватан, ёр ва дийр ҳақида қўйланади. У умрини беҳу-да нарсаларга бой берган, мол-дунё деб умрини со-вурган одамлар ҳақида ку-йлини ёзди. Бошқа бир шеърда эса ишқ ҳақида совуқ юрак билан шивир-лашни, муҳаббатсиз ўлиш ўғирлашни, виждонсизлик ва хиёнатни қораллади. Шухрат шеърларидаги ли-рик қаҳрамон қўқур инсо-

ний туйғуларга эга бўлган, маънавий дунёси пок ва бой шахсдир. У ҳаётни севади, шу севгиси туйғули ҳаёт гўзаллигини ҳам жуда но-зик ҳис қилади. Шухрат шеърини жўш-қинчиқа бой дейдилар. Бу рост. Ижодкор шеър-ларининг кўпчилиги фикр-ран жуда тараф, уларда муҳим аҳамиятга молик ма-салалар кўтариб чиқилади. Шоир шеърининг яна бир фазилати, унинг табиат ва ҳаётдаги ҳар қандай ҳо-дисага сезирлик билан қа-рашида қўринади. У тасвир

эди. Шу босидан у рус ва жаҳон адабиёти асарларини кўп билан мутолаа қилди. Айниқса, «Ўзбек адабиёти-нинг А. Қодирий, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор сингари атоқли ёзувчилари асарла-рини синчковлик билан ўр-ганди. Ана шундан сўнг «Шинелли йиллар» рома-нини яратди. Бу ҳақда Шухратнинг ўзи шундай деб ёзди: «Мени прозага даъват этган омил нима? Ҳозир ҳам аниқ билмайман, лекин унга бўлган иштиёқ шундай куч билан тўғилди-ки, йиллар ўтган сари мени янада ўз бағрига қамраб ола бошлади. Эҳтимол, Улуғ Ватан уруши фронтларида улкан ҳаётни бевосита ўз кўзим билан кўриб келган-имдандир. «Шинелли йил-лар» романига қадар бирор саҳифа ҳам на ҳикоя, на қисса ёзганман. Бу орада шунчалик кўп нарсани ўқиб чиқдимки, эҳтимол, сту-дентлик йилларимда ҳам бун-



СУРАТДА: Шухрат (ўнгдан иккинчи) ижодкор дўстлари билан мактаб ўқувчи-лари даярасида.

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

атаётган ҳодисадаги содда-лик ва табиқийлики ич-ичи-дан ҳис қилади, мулола-дор ва безакдорликдан қо-чади. Бу эса аниқ ва маъно-дор образларни тугдиради. Шухрат — интернацио-нализм тушунчасини қўқур-англанган шоир. У «Навқаз дафтари», «Дунай соҳилла-ри» туркум шеърларида халқлар дўстлигини та-раннум этди. Хусусан, «Навқаз дафтари» туркуми-да Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистон халқлари, уларнинг тарихи, одамлари ва шаҳарларига онд жонли лавҳалар яратилди. Бу анъа-нини давом эттириб, шоир «Ишқингда ёниб» китобида ҳам саёхатнома шеърлар («Дунай соҳиллари») ёзди. Уларда Прага, София, Бел-град, Будапешт шаҳарлари-нинг социалистик қиёфаси-ни тасвирлади.

Адиб 50-йиллардан бош-лаб насрий асарлар ҳам яратиб келди. У фронтда курган-кечирган воқеа-ҳо-дисаларига суяниб роман ёзиш орасида бўлди. Бир-қор ҳали ёзувчилик тажри-баси ва билими етарли эмас

чалик китоб кўрмагандир-ман. Менда ҳам фронт ҳақидадан бир нарса ёзиш миямга чақмоқдек урилди. Бу фикр мени шунчалик қамраб олдики, кечалари ухломлай қолдим. Шундай қилиб «Шинелли йиллар» романи бунёдга келди.

Романда олға сурилган голини тўла ифодалаш учун ёзувчи конкрет фактлардан кенг фойдаланади. Ўзбек халқи тарихига, унинг анъа-наларига мурожаат қи-лади. Совет ҳукумати дав-рида бир тану бир жон бў-либ яшаётган халқларнинг ютуқлари эсга олинади. Асарда «Ватан» деган ту-шунчанинг кенг ва муқаддас-лиги, унинг олдидаги ҳар бир фарзанднинг бурчи ў-тирилади, фашизмнинг ваҳшийлиги фаш қилинади.

«Шинелли йиллар»да қаҳ-рамонана рух, публицистик пафос ва лиризм ниҳоятда кучли. Унда озғани сўзла-шув нуқтининг барча жи-лоларидан унумли фойдала-нилган. Романдаги бош қаҳрамон Эмюрод ғалаба учун курашга бошқаларни

илҳомлантирган. батальон командири даражасига кў-тарилган жангчи сифатида талқин қилинади. «Олтин зангилмас» рома-нида тасвирланган воқеалар-ни эса шартли равишда уч-га бўлиб кўрсатиш мум-кин. Улардан бири — қаҳ-рамонларнинг бегубор ёшлик йиллари ёки совет тарихи-нинг 30-йиллари, иккинчи қисми — шахсга сингилш оқибатида роман қаҳрамони коммунист Содиқ жабр-тортган 40-йиллар, учинчи қисми — Улуғ Ватан уру-ши давридаги қаҳрамонлар ҳаёти, кураши ва тақдир. Муаллиф шахсга сингилш даври ҳақида ҳикоя қилар-кан, кишиларимизни алла-қандай пассив ва эҳтиёткор сифатида эмас, балки ҳаёт-нинг ҳамма босқичларида ҳам бирдек пок виждон бил-ан яшанганини тас-вирлайди. Хусусан, Содиқ ноҳақ тухмаст билан қамалиб, бошига тушган оғир қу-ларда ҳам унинг комму-нист эътиқоди бирор лаҳ-за бўшамайди. Олтиннинг зангилмаслиги ҳам шунда. Айни вақтда, Содиқнинг

қари онаси ва гўдак фар-зандига ўқитувчи Икром ота каби виждонли кишилар гамхўрлик қиладилар. Со-диқнинг укаси Қодирни институтдан ҳайдаганлари-да унинг секинлиси Азиза унга ҳамдард бўлади. Шун-га ўхшаш конкрет образлар фаолияти орқали адиб совет кишиларининг ажойиб маъ-навий қиёфасини очиб бера-ди. Романдаги Мирсалим, Диловархўжа, Мушарраф каби салбий образларда эса муаллиф инсон табиати-даги тубан хусусиятларни фаш қилади. 60-йиллар ўз-бек совет адабиётининг ютуқларидан бири ҳисоб-ланган бу асар айрим кам-чиликлардан ҳам ҳоли эмас. Аввало, асарнинг бош

Таниқли адиб ва тарихимиз ўзининг 70 ёшини ада-биётнинг турли жанрларида сермаҳсул ижод қилган ҳолда китоб олмақда. Унинг соҳларига оқ қанчалик кўпаймасин, қалбда баҳор чечаклари улзуксиз яшнаб очилмоқда. Бундан бугунги кунда матбуотда эълон қилиниб турган қатор шеърли манзумалар ҳам гувоҳ-лик беради.

М. НАЗАРОВ, филология фанлари кандидати.

КЎЧАДА БАЙРАМ

КИРОВ райони терри-ториясида жойлашган кўча-ларда байрам ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Янгида СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева номли кўчада ҳам ана шун-дай тантанали таъдиб этилиб, унда Янгиёриқ, Жомий, 11-Кисловский маҳалла-лари аҳолиси қатнашди.

Байрам иштирокчиларига «Баҳор» ансамбли соли-сти. Ўзбекистон ССР халқ артисти Х. Ҳуффуллоев ва райони маданият уйи хавас-корлари ижросидаги қў-шиқлар, куй ва рақслар го-лтада манзур бўлди.

А. НАВИХЎЖАЕВ.

ҲАЁТЛАРИ ХАВФ ОСТИДА

ЖАЗОИР. Қувайт авиаком-паниясининг «Бонинг-747» само-лётини қўлга олган шахслар самолётда ёниги қўйишлари-ни талаб қилдилар. Самолёт ичиде бўлиб ўтган қисқа мат-буот конференциясида улар 3 ҳоржий журналистга айтган-ларидек, «Жазоир территория-сидан ташқариде гаровдаги ки-шилардан ў олишни бошлаш учун бу мамлакатдан кетиш ниятидадилар». Қароқчилар Қувайт қамолларида 17 маҳбус-ини озод этиш тўғрисидаги та-лабни қондиршидан воз кеч-ганилилари сабабли шундай қарорга келганлар.

ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИДА ЗАБАСТОВКА

ПАРИЖ. Шанба кун Ий-фель минораси остонасида наваб кутувчилар ниҳоятда кўпайиб кетди. Хизмат кўрс-тавчи ҳодимлар Париждаги ана шу беланд иншоот маъмурия-нинг икки кишини ишдан бў-шатиниш тўғрисидаги қарорга қарши норозилик белгиси о-стида забастовка эълон қилди-лар. Бу ишчилардан бири ми-норада 7 йил, бошқаси эса 17 йил ишлаган эди. Минора ёни-да тўплаган юзлаб туристлар-нинг норозилигиндан ҳавотир-ланган ҳамда иш ташлашдан қўрқадиган эзарардан чўчиган маъмурият дарҳол забастовка-чилар вакиллари билан музо-каралар ўтказишга рози бў-дилар.

(ТАСС, 17 апрель).


Редактор Н. НАСИМОВ.



КИНОФЕСТИВАЛ ЎЙИНЧОҚЛАРИ

ТОШКЕНТ ўйинчоқлар фабрикаси Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари-нинг Х халқаро кинофестивали учун 25 турдаги 10 минг донга турли-туман ўйин-чоқлар тайёрлаб бериш учун бурютга олди. Суратларда: (чапдан ўнгга) комсомол аъзоси Л. Дьяченко меҳнат ветерани Х. Сиразиева билан ўйинчоқларга безак бермоқ-да; тайёрланган ўйинчоқлардан намуналар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ фотолари.



ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ФУТБОЛ бўйича мамла-кат чемпионати биринчи лига командаларининг учинчи тур ўйинида Тошкентнинг «Пах-такор» командаси Пермда «Звезда» коллективининг меҳмонин бўлди. Матчда ҳам тақтик, ҳам техник жиҳатдан устуни келган пахтакорчилар 2:1 ҳисобида голиб чиқди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Ро-тор» — «Кубань» 2:1, АСК [Р] — «Котайк» — 4:0, «Геолог» — «Памир» — 3:1, МАСК — «Металлург» — 4:0, «Куз-басс» — «Колос» — 1:0, «Ди-намо» [Ст] — «Динамо» [Бт] — 1:0, «Спартак» — «Гурани» — 2:1, «Шинник» — «Заря» — 2:1, «Таврия» — «Ростсель-маш» — 1:0, АСК [Карпати] — «Даугава» 2:0.

Бугун пахтакорчилар Тюмен-да «Геолог» командаси билан навбатдаги тур урашувини ўтказишди.

ИКИНЧИ ЛИГА. «Нефтя-ник» — «Вахш» — 3:1, «Ко-сомойчи» — «Сурхон» — 3:0, «Трактор» — «Хонка» — 0:2, «Металлург» — «Целинник» — 0:0, «Динамо» — «Хўжанда» — 1:0, «Зарафшон» — «Авто-мобилист» — 0:0, «Соҳибкор» — «Пахтакор» — 2:0, «Ешлик» — «Навқорон» — 1:0, «Колхозчи» — «Янгиер» — 7:1.

Чемпионатда тўрт турдан сўнг етти очко билан Жўзжа-нинг «Ешлик» командаси пеш-қадамлик қилмоқда. Об-ластини шарафини ҳимоя қилаётган Халқободнинг «Со-ҳибкор» коллективи беш очко тўплаб, тўққизинчи ўрни-ни эгаллаб турибди.

ФИЗКУЛЬТУРА

коллек-тивлари командалари ўртаси-да учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди: РФОСММ — «Бинокор» — 1:1, «Автомобилист» — «Зарафшон» — 5:2, «Сельмаш-чик» — «Колхозчи» 2:0, «Умид» — «Бетонщик» — 1:0, «Гулистончи» — «Химик» [Н] — 1:0, «Моторист» — «Саван» — 3:0, «Уроқ ва Болган» — «Но-рин» — 1:3, «Геолог» — «Хо-мик» [А] — 6:0, УСК — «Хисор» — 1:1.

МАРКАЗИЙ. «Пахтакор» стадионида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Ленинграднинг «Зенит» ветеранлари коман-далари ўртасида ўртоқлик учрашув бўлиб ўтди. Мазкур матчда ташаббуси дастлаб меъзоилар ўз қўлларига олиш-ди. Аммо шунга қарамай би-ринчи тўпни меҳмонлар ҳу-жумчиси А. Егоров 13-минут-да пахтакорчилар дарвозаси-га йўллади. Шундан сўнг меъзоилар ўйини анча қову-шмай турди. Улар 33-минутда иккинчи тўпни ўтказиб юбо-ринди. Танаффусдан сўнг пахтакорчилар ўйинига анча жонланмиш кирди. 51-минутда В. Василенко ҳисобини 2:1 қил-ди. Яна бир минутдан сўнг Б. Серостанов ўн бир метрлик тўпни дарвозага аниқ йўл-ладди. Уйин тугашига 28 ми-нут қолганда В. Василенко «Пахтакор» командасини ол-динча олиб чиқди. Меҳмон-ларнинг ҳисобини тенглашти-ришга уринишлари зоо кетди. Уйини 3:2 ҳисобида тошкент-лик ветеранлар фойдасига ҳал бўлди.

Халқаро ҳаёт

ЖАҲОН ТАБРИКЛАМОҚДА

КОБҮЛ. Женева музока-раларининг муваффақиятли якуни — соғлом фикр ва сиёсий реализм ғалабаси, миллий яраш сибсатининг на-тижасидир, дейилади Афғо-нистон Республикаси миллий фронтининг халққа мурожа-атномасида. Совет Иттифоқи билан Аф-ғонистон рақибларининг 8 февраль баённоти можаирони реал бартараф этиш учун за-мин тайёрлади. Женева би-тимлари қафолотини ўз зим-масига олган СССР билан АҚШнинг амалий позицияси бунга қўмқлашди. Миллий фронт афғон халқига унинг учун қийин давларда кетте интернационал ёрдам кўр-

сатганлиги учун совет халқи-га чўқур миннатдорчилик из-ҳор этди. БЕРЛИН. Германия Де-мократик Республикаси Жене-вада Афғонистон муаммоси-ни сиёсий бартараф этишни таъминловчи битимлар имзо-ланганини табриклиди. Бу ҳужжатлар замонамизнинг энг мураккаб регионал можаиро-ларидан бирини ҳал этиш учун халқаро ҳуқуқий негиз бўла олади, деди ГДР Ташқи ишлар министригининг вакили В. Ма-йер. Энг аввало Совет Ити-фоқи билан Афғонистон Рес-публикаси ҳукуматининг амалий позициялари тўғрйлик, шу-нингдек бу муаммони ҳал этиш учун Бирлашган Миллет-

ПАРОМДА БАЙРОҚ КЎТАРИЛДИ

БУХАРЕСТ. Констанца пор-тида Руминиянинг дастлабки «Мангалия» паромида байроқ кўтарилди. Паромни Галаца шаҳри кемасозлик корхонаси курди. Узунлиги 185 метр бўл-ган кемая юк ортилган 107 та темир йўл вагонини ёки ҳар бир 15 метр бўлган принцип-ли юздан ортиқ катта автомо-билини ёки халқаро «Ро-Ро» системасидаги денгиз орқали ташиниш қўлқалланган бошқа юкларни ортиш мумкин. «Мангалия» ўзининг дастлаб-ки сафарига Руминиянинг 850 та тракторини Сурияга олиб боради.

КЎЗГОЛОН ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚОҲИРА. Босиб олинган Йордан дарёсининг ғарбий со-ҳили ҳамда Ғазо секториде шамба кун Исроил қўшинла-ри билан тўқнашув чоғида ўл-дирилган фаластинликлар ўн уч кишига етди. Фаластин аҳо-лиснинг вакиллари Қуддусде шунини маълум қилдилар. Фа-ластин кўзголонининг бутун даврида тарихга энг қонли кун бўлиб кирган бугунги кунга халқ сўнгги якун чиқарилмаган бўлиши мумкин. Мана тўрт ой-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. ҚОРИЕЎОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИИ БИРЛАШМАСИ
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИДА
23, 24, 25 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
«САМАРҚАНД» ВОКАЛ-ЧОЛГУ АНСАМБЛИ
ЖУРЛИГИДА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Насиба АБДУЛЛАЕВА

КОНЦЕРТИ

Ансамблининг бадий раҳбари — Баҳром Абдуллаев.
Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи кассалари-
да соат 14.00 дан сотилмоқда.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

ЎТАДИГАН
«А» класс 2-лигаси 3-зона командалари ўртасидаги
ХОККЕЙ ЎЙИНЛАРИГА МАРҲАМАТ
23—24 АПРЕЛДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ШВСМ» (Минск).
27—28 АПРЕЛДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «КРЕНГОЛЪМ» (Нарва).
Хоккей командалари учрашув шайба ва яқинба
қунари — соат 17.00 да, иш қунари — соат 18.30 да
бошланади.
Справкалар учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 —
администратор; 46-03-12, 46-70-31 — касса.

МОСКВА
ШАҲРИДАГИ
«ТУРИСТ»
БИРЛАШМАСИ
ТЕПЛОХОДЛАРДА
«МОСКВА-АСТРАХАН-МОСКВА» МАРШРУТИ
БЎЙИЧА
САЁХАТГА ЧОРЛАЙДИ

Улуғ рус дарёси Волга бўйлаб қилинадиган саёхат да-
вомида туристлар Поволжьеда олис ўтмишда бўлиб ўтган
воқеа-ҳодисалар ва ҳозирги кун воқеилиги билан таниш-
дилар.
Улар Россиянинг «Олтин ҳалқа»сига кирувчи Углич,
Ярославль, Кострома шаҳарларида бўлиб, фақат мамла-
катимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳур бўл-
ган қадимий рус архитектура ёдгорликларини кўрадилар.
Шунингдек, улар Куйбишев, Саратов, Горький ва қаҳ-
рамон шахар Волгоградга экскурсияга борадилар.
Туристлар В. И. Лениннинг Ватани Ульяновскда, шу-
нингдек, автоном республикаларнинг пойтахтлари — Қо-
зон ва Чебоксарида бўладилар.
Саёхатнинг сўнгги манзили Поволжьенинг бир вақтлар
«Осиё Венецияси» деб аталмиш қадимий шаҳри Астра-
хандир.
Саёхат программасида фақат шаҳарлардагина эмас,
балки хушхаво, гўзал манзарали жойларда ҳам тўхтаб
ўтиладиган «яшил бекатлар» ҳам кўзда тутилган.
Теплоходларда мазмунли ҳордиқ чиқариш учун барча
шарт-шароитлар муҳайе.
Шинам каяоталар, музика салонлари, киноконцерт за-
ллари, ресторанилар, бар ва солариалар туристлар хизма-
тида бўлади.
Бу маршрутлардаги «Зосима Шашков», «Александр
Грибоедов», «Серго Орджоникидзе» ва бошқа туристик
кемаларда саёхат қилиш мўддати — 20 кун.
Путёвкларнинг баҳоси теплоходларнинг комфортабел-
лиги ва каяотларнинг классига кўра 140 сўмдан 480 сўм-
гача.
Ҳозир май-сентябрь ойларига путёвклар сотилмоқда.
Путёвклар олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан
қуйидаги адресга мурожаат қилинг: 109004, Москва шаҳри,
Б. Коммунистическая кўчаси, 4-дом, 3-корпус, Москва ша-
ҳар туристик-экскурсия путёвкларини реализация қилиш
бюроси.
Справкалар олиш учун телефонлар: 271-27-37,
272-46-41.

МОСКВА ШАҲАР «ТУРИСТ» БИРЛАШМАСИ
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА»
БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
ТОШКЕНТДАГИ 45-ТУҒИМАЧИЛИК ЎРТА
ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ТЎҚУВЧИ, НИГИРУВЧИ КАСБЛАРИНИ
ЎРГАНИШ УЧУН
ҚИЗЛАРИНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқишга кириш имтиҳонларисиз суҳбатлашниш кўли бил-
лан қабул қилинади.
Ўқишга қабул қилинганларга шинам ва қулай ётоқхо-
надан жой берилади.
Билим юрти юқори малакали тўқувчи касбини эгаллаб
чиқиш қафолотини беради. 10-синфин битирган ўқувчи-
лар касб эгаллаб чиқиш учун 1 йил ўқишади, уларга 70
сўм стипендия тўланади.
9-синфин битирган ўқувчилар 2 йил ўқиб касб эгаллаб
чиқиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот ҳам олади-лар
ва ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар.
8-синфин битирган ўқувчилар 3 йил ўқиб касб ўрганиш
билан бирга тўлиқ ўрта маълумот олиб чиқади-лар ва
ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар.
Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига
қўшиб ҳисобланади.
Машгулотлар — 1 сентябрда бошланади.
Ешларнинг эркин ижод қилиш ва маънавий камолотга
етиш, ҳаётда ўз ўрнини топа билишга қафолат берилади.
Билим юртига киришни хоҳловчилар қабул комиссияси-
га қуйидаги ҳужжатларни топишадилар: ариза, тутил-
ганлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат;
характеристика, медицина справкиси (ўқув юртига кирувчи-
лар учун мўлкжалланган форма бўйича), 8 донга фотосурат
ва агар 16 ёшга тўлган бўлса паспорт шахсан кўрсатила-
ди.

НИГИТЛАРИНИ БИРИНЧИ БОР ЎҚИШГА
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Билим юртида Тошкент шаҳрида яшаб турган йигит-
лар учун тўқувчилар ва ниғирувчилар экспериментал
группаларни ташкил қилинган.
Қабул шартлари — юқорида қайд қилинган.
Билимнинг адрес: 700070, Тошкент шаҳри, Фрунзе райо-
ни 2-Охунбобов кўчаси, 68-уй (54, 57, 58, 98-автобуслар;
4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 3, 13, 16-троллейбуслар;
нинг «Киров номи парк» бекати). Телефонлар: 55-78-28,
55-78-30.
Ҳар кун, яқинлашган ташқар соат 9 дан 16.00 гача,
шайба қунари соат 9 дан 14 гача билим юртининг касб
ташлаб кабинетида консултация олиш мумкин.